

## ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАН ШАХСНИНГ РУҲИЙ ҲОЛАТИНИ АНИҚЛАШДА СУД-ПСИХОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маҳмудова Хулкар Тилабовна

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги  
Судьялар олий мактаби “Касбий кўникмалар” кафедраси доценти,  
психология фанлари номзоди

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада ўз жонига қасд қилган шахснинг руҳий ҳолатини аниқловчи суд-психологик экспертизаси моҳияти очиб берилган. Бунда тадқиқот объекти, суицидал хатти-ҳаракатлар механизмлари, эксперт-психолог ваколати ва унинг олдида қўйиладиган саволлар таҳлил қилинган ва келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *суицид, руҳий ҳолат, суицидал хатти-ҳаракат, салбий кечинмалар, текширилувчи, экспертиза.*

Эксперт-психологик тадқиқотларнинг ушбу тури энг мураккабларидан бири бўлиб, доимо мамлакатимиз ва хорижлик тадқиқотчиларда қизиқиш уйғотади. Жинойий табиатга эга бўлиши мумкин бўлган ўлим сабабларини психологик таҳлил қилиш ҳақида Г.В. Акопов ҳаммуаллифлари билан<sup>1</sup>, Л.В. Алексеева<sup>2</sup>, Дж. Верт<sup>3</sup>, Д. Кантер<sup>4</sup>, М.М. Коченов<sup>5</sup>, И.А. Кудрявцев<sup>6</sup>, Д. Лестер<sup>7</sup>, Н. Реттерстол<sup>8</sup>, Ф.С. Сафуанов<sup>9</sup>, В.Ф. Енгальчев ва С.С. Шипшин<sup>10</sup>, В.Ф. Енгальчев ва Х.Т. Маҳмудова<sup>11</sup>

<sup>1</sup> Акопов Г.В., Мельченко Н.И., Ефимова О.И. (ред.) Методы профилактики суицидального поведения. – Самара-Ульяновск: СГПУ, 1998.

<sup>2</sup> Алексеева Л.В. Практикум по судебно-психологической экспертизе. – Тюмень: ТюмГУ, 1999.

<sup>3</sup> Werth J.L. (Editor) Contemporary Perspectives on Rational Suicide (Series in Death, Dying, and Bereavement). – NY: Brunner/Mazel Publishers, 1998.

<sup>4</sup> Canter D. Criminal Shadows. – London: Harper Collins Publishers, 1994.

<sup>5</sup> Коченов М.М. Введение в судебно-психологическую экспертизу. – М.: МГУ, 1980.

<sup>6</sup> Кудрявцев И.А. Комплексная судебная психолого-психиатрическая экспертиза. – М.: МГУ, 1999.

<sup>7</sup> Lester D. (Editor) Current Concepts of Suicide. – NY: The Charles Press, 1990.

<sup>8</sup> Retterstol N. Suicide. European Perspective. – Cambridge: Cambridge University Press, 1993.

<sup>9</sup> Сафуанов Ф.С. Судебно-психологическая экспертиза в уголовном процессе. – М.: Смысл-Гардарика, 1998.

<sup>10</sup> Енгальчев В.Ф., Шипшин С.С. Судебно-психологическая экспертиза. Методическое руководство. Издание 2-е, изм. и доп. – Калуга-Обнинск-Москва: КГПУ им. К.Э. Циолковского, 1997.

<sup>11</sup> Енгальчев В.Ф., Маҳмудова Х.Т. Суд-психологик экспертизанинг замонавий турлари ва ривожланиш имкониятлари. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2020. – 288 б.

ва бошқалар ёзганлар. Уларнинг кўпчилиги таъкидлаганидек, бу ердаги асосий қийинчилик шундаки, тадқиқотнинг объекти бўлиб тирик шахс психикаси эмас, балки у ҳаётлик чоғида атрофдаги моддий ва руҳий (маънавий) муҳитларда: хотиралар, ёзма матнлар, шахсий буюмлар ва шу қабиларда қолдирган унинг психологик фаолияти изларигина хизмат қилади.

Ўлимдан кейинги суд-психологик экспертизанинг предметини суицидент руҳий фаолиятининг индивидуал хусусиятлари ташкил қилади. Айтиш билан тадқиқот аниқланган фактлар ва қонуниятларни оддийгина қайд этиш билан чекланмаслиги лозим. Тадқиқот жараёнида турли руҳий хусусиятлар ҳамда ҳолатларнинг тергов ва суд учун жиддий аҳамиятга эга бўлган воқеалар билан алоқаси бўлиши эҳтимоллигини ҳам аниқлаш шарт. Ушбу экспертизада бевосита суицид амалга оширилишидан аввалги ҳаёт даврини таҳлил қилишга алоҳида аҳамият берилади. Тадқиқотчилар бу ўринда ички суицидал хатти-ҳаракатнинг бир қанча шакллари: суицидал фикрлар, режа ва ниятлар, шунингдек тегишли эмоционал фон – суицидал кечинмаларни таъкидлаб ўтадилар.

Суицидал фикрлар, ўз ўлими мавзуидаги тасаввур ва фантазиялар суицидал хатти-ҳаракатнинг пассив шакли ҳисобланади. Суициддан олдинги босқичда уларнинг (ўз ўлими мавзуидаги тасаввур ва фантазияларнинг) мавжудлигидан кундалиқлардаги ёзув, расм ва хатлар, суицидентни тегишли даврда кузатиш имконига эга бўлган гувоҳларнинг кўрсатувлари далолат бериши мумкин.

Суицидал хатти-ҳаракатнинг актив шакли суицидал мўлжал ва ниятлардир. *Мўлжал* ўзини ўлдиришни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар режасини ўз ичига олади, бунда суицид усули, уни амалга ошириш вақти ва жойи аввалдан ўйлаб олинади. *Суицидал ниятга* режадан уни амалга оширишга бевосита ўтишга ундовчи иродавий асос мавжудлиги ҳосилдир.

Г.В. Акопов ва ҳаммуаллифларининг фикрига кўра<sup>1</sup>, суицидал хатти-ҳаракат шакллари иккита бир-бирига мутлақо қарама-қарши қадриятлар бўлиши ўз ҳаёти ва ўлимнинг муносабатида ифодаланувчи суицидал кечинмаларнинг тузилишида ўз аксини топади.

Суициддан олдинги даврда ҳаётга муносабат тўртта асосий шаклда намоён бўлади:

- 1) бефарқлик ҳисси;
- 2) ўзининг мавжудлигидан афсусланиш ҳисси;

<sup>1</sup>Акопов Г.В. Кўрсатилган асар. – Б. 21.

3) ҳаётнинг (мавжудликнинг) оғирлигидан, чидаб бўлмаслигидан ташвишланиш;

4) ҳаётдан нафратланиш.

Ўлимга муносабат қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

1) ўлимдан кўрқиш, гарчи жадаллиги нисбатан пасайган бўлса ҳам;

2) бефарқлик ҳисси;

3) ўлимга ичдан розилик ҳисси;

4) ўлишни исташ.

Суицидал кечинмалар таркибида мазкур шакллар турлича нисбатларда учрайди ва кўплаб индивидуал вариантлар яратади. Худди шу муаллифларнинг айтишларича, суицидал кечинмаларни ана шундай ташхислаш учун психолог юқорида келтирилган икки қатор элементлардан ҳар қандай жуфтини бир вақтда аниқлаши зарур бўлади<sup>1</sup>.

Бир қанча ҳолларда суицид мотивлари аниқ бўлади (ҳақиқий суицид), улар тергов материаллари билан тасдиқланади, аммо иш бўйича далиллар тўлиқ бўлиши учун ўлимдан кейинги суд-психологик экспертиза тайинланиши мумкин бўлиб, ушбу экспертиза ҳал қилиши учун қуйидаги масалалар қўйилади:

– ушбу шахс ўлимидан аввал ўзини ўлдиришга мойил қилувчи руҳий ҳолатда бўлганми?

– агар шундай бўлса, ушбу ҳолат нима сабабдан келиб чиққан бўлиши мумкин?

Айрим ҳолларда тергов суициднинг фақат ташқи аломатларига эга бўлган ўлим ҳолатларига дуч келади. Бундай ҳолатларни тергов қилишда етакчи тахмин (тусмол) учун ишончли далилларнинг йўқлиги кўпинча асосий қийинчилик ҳисобланади. Ҳатто ўлган одамнинг қариндош ва яқинлари ҳам у ўз ихтиёри билан ҳаётдан воз кечганига ишонмайдилар. Қанчалик парадоксал кўринмасин, бироқ баъзан уларга ўзини ўзи ўлдириш ҳолатини тан олишдан кўра зўрлик оқибатида ҳалок бўлганини тахмин қилиш афзалроқ туюлади. Шу боис улар била туриб ёки ўзлари буни англамаган ҳолда терговга босим ўтказадилар. Марҳумнинг яқинлари оғир вазиятдан чиқишнинг ягона йўли ўлим бўладиган даражадаги руҳий инқирозни кўрмай қолганликларини тасаввур қилишлари қийин кечади. Улар ҳалок бўлган шахс уларга ёрдам сўраб мурожаат эта олмагани ёки буни истамаганига

<sup>1</sup>Акопов Г.В. Кўрсатилган асар. – Б. 22; Алешина А. Жизнь и смерть Юлии Друниной // Независимая газета. –1999. – № 21(43).– С.16.

ишонишлари қийин кечади. Баъзан уларнинг ўзлари уни ана шундай қарорга бевосита ёки билвосита ундаганликларини билишлари даҳшат бўлган бўларди.

Одатда, бундай кучли психологик инқироз (агар психопатологик табиатга эга бўлмаса), ё кўкқисдан, бирданига пайдо бўлган руҳиятга шикаст етказувчи кучли ҳодисалар таъсирида ривожланади, ё узок давом этувчи тарихга эга бўлиб, салбий кечинмалар аста-секин тўпланиб борган бўлади. Аммо иккала ҳолда ҳам ушбу психологик инқироз кўпинча аффектоген табиатга эга бўлади. Бу, аслида, инсоннинг ўзига қаратилган физиологик аффектдир. Алоҳида социомаданий анъаналар билан боғлиқ бўлган суицидлар бошқа ҳолат ҳисобланади.

Бироқ ташқаридан қараганда ўзини ўлдиришга ўхшаш ҳолат бўлганлиги тергов натижасида у албатта тасдиқланишини билдирмайди. Бундай ўлим, аслида, камида қуйидаги вариантларга эга бўлиши мумкин:

*1. Ҳақиқатан ўзини ўзи ўлдириш.*

*1.1. Ўз хоҳиши билан ўзини ўлдириш.*

*1.1.1. Рационал (олдиндан ўйлаб) ўзини ўлдириш.*

*1.1.1.1. Рационал аффектив ўзини ўлдириш.*

*1.1.1.2. Рационал ноаффектив (диний ёки фалсафий асослар бўйича) ўзини ўлдириш.*

*1.1.2. Импульсив аффектив ўзини ўлдириш.*

*1.2. Эҳтиётсизлик орқасида ўзини ўлдириш.*

*2. Ўзини ўлдиришни имитация қилиш (ўзини ўлдиргандек кўрсатиш).*

*2.1. Ўзини ўлдиришни имитация қилиш (билвосита қотиллик).*

*2.1.1. Мажбурлаш таъсирида ўзини ўлдириш.*

*2.1.2. Ўзини ўлдириш даражасига етказиш.*

*2.2. Ўзини ўлдиришни имитация қилиш (иғво ёки шантаж мақсадида намоёниш қилиш).*

*3. Ўлган одамга боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўзини ўлдириш белгиларига эга бўлган табиий ўлим.*

*3.1. Бахтсиз ҳодиса натижасида ўлиш.*

*3.2. Ўзга сабаблар (қариллик, касаллик ва бошқалар) натижасидаги табиий ўлим.*

*4. Ҳақиқий қотиллик.*

*4.1. Ўзини ўлдириш тарзида ниқобланган қотиллик.*

*4.2. Қотилга боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича ўзини ўлдириш белгиларига эга қотиллик.*

Бошқа томондан, баъзан ўзга сабабларга кўра келиб чиққан ўлим кейинчалик суицид сифатида таснифланиши мумкин. Ўзини ўзи ўлдириш бўлгани аниқ туюлган, ammo айни вақтда бунинг мотивлари ноаниқ бўлган вазият янада мураккаб ҳолат ҳисобланади. Текширилаётган шахснинг ўлими табиий эканлиги ёки ўзини ўзи ўлдирганига шубҳа уйғотувчи сабабларга гувоҳларнинг кўрсатувлари, жасаднинг ҳолати, унинг ёнида ёки устида баъзи нарсалар топилиши, бу ишга алоқадор матнларнинг мазмуни (улар қандай манбаларда – қоғозда, магнит тасмасида, компьютер дискида ва бошқаларда – эканлигидан қатъи назар) киритилиши мумкин.

Масалан, тергов амалиётида шундай ҳолатлар бўлганки, гувоҳлик кўрсатувлари базасининг кенгайиши моддани қайта квалификация қилишга имкон берган: «бахтсиз ҳодиса туфайли юз берган ўлим» «ўз-ўзини ўлдириш даражасига етказиш» билан алмаштирилган (суицидент уни ранжитган шахснинг юриб бораётган машинаси остига ўзини ташлаган), ёки ўз ролини астойдил ўйнашга ҳаракат қилаётган ва жуда тушкун кайфиятдаги қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатини репетиция қилаётган актёр эҳтиётсизлик оқибатида ўзини ўзи ўлдириб қўйган ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган тасниф ўзини ўзи ўлдириш билан боғлиқ ишлар бўйича турли тахминларни илгари суриш тизимини акс эттиради. Бунда икки вазиятда психолог ёрдами талаб этилиши мумкин.

1. Тўпланган далиллар қотиллик ёки ўзини ўзи ўлдириш бўлгани ҳақида аниқ хулоса чиқаришга имкон бермай, ўзини ўзи ўлдириш бўлганига ишонч ҳосил қилиш зарур бўлганида. Бундай вазиятда психолог терговда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин. Бу ўринда психолог ҳал қилиши учун иккита масала (савол) қўйилиши тавсия этилади:

– текширилаётган вазиятда экспертиза қилинувчининг (текширилувчининг) хулқига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган унинг шахсига хос асосий индивидуал-психологик (шахсий, эмоционал-иродавий, мотивацион, интеллектуал) хусусиятлар нималардан иборат бўлган?

– экспертиза қилинувчи ўлимидан аввал қандай руҳий ҳолатда бўлган бўлиши мумкин?

Бунда «ўзини ўзи ўлдиришга ундаган руҳий ҳолат» ҳақида савол бериб бўлмайди, чунки бу ўзини ўлдириш (суицид) ҳолати «a priori» исботланган эканлигига шама қилади.

2. Ўзини ўзи ўлдиришнинг айрим белгилари ва айти вақтда суициднинг фожиали тақдирида айрим шахсларнинг муайян роли бўлгани ҳақида асосли гумонлар мавжуд бўлган ҳолларда ўзини ўзи ўлдириш (ҳақиқий суицид)ни ўзини ўлдиришга етказишдан фарқлаш учун ўлимдан кейинги суд-психологик экспертиза тайинланиши мумкин. Бу Ўзбекистон Республикаси ЖК 103-моддасининг квалификациясига мос келади: «Шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш»<sup>1</sup>.

Албатта, ўлимдан кейинги экспертиза хулосалари фақат эҳтимолли бўлиши мумкин. Бу бир қанча сабаблар билан боғлиқ.

*Биринчидан*, эксперт текшируви (тадқиқоти) билвосита, яъни иш материаллари (хужжатлари), гувоҳлар, марҳумнинг қариндошлари ва яқинлари берган гувоҳликлар, марҳум ёзган матнлар бўйича ўтказилади. Буларнинг бари шахс ва унинг турмуш вазиятлари ҳақида фақат билвосита маълумот бера олади.

*Иккинчидан*, ўзини ўзи ўлдиришга мойил қилувчи ҳолат ҳар доим ҳам суицидга ёки суицидал ҳаракатга олиб келмайди. Ўзини ўзи ўлдиришга уринишда ишончли тарзда аниқланган депрессив ҳолат, ўзини ўлдириши мумкинлиги ҳақида эшитилган (қайд этилган) гаплар, ҳатто бунга тайёргарлик кўриш ҳам бўлиши шарт эмас. Бу ҳолат сабаб-оқибат алоқадорлиги натижасида эмас, балки вақт бўйича ўлим факти билан тўғри келиб қолган бўлиши мумкин. Шу боис *post hoc, ergo propter hoc* қондасини қўллаб бўлмайди, чунки воқеадан «кейин» келиш ҳали «шунинг оқибати» эканлигини аниқламайди.

*Учинчидан*, ҳатто муайян шахснинг марҳум субъектив тарзда ҳақоратловчи ёки таҳдид қилувчи деб қабул қилган ҳаракатлари ҳам объектив равишда ана шундай бўлган бўлиши ёхуд Ўзбекистон Республикаси ЖК 103-моддасининг квалификациясига мувофиқлик даражасига етган бўлиши шарт эмас.

*Тўртинчидан*, суицидент ҳаракатининг ўзи ҳам ноадекват, низоли, бошқа шахслар томонидан адоват ва тажовузкорликни келтириб чиқарувчи бўлиши мумкин.

Бироқ экспертиза учун тақдим этилган материаллар ҳар доим ҳам аниқ хулосаларга келиш имконини бермайди, чунки экспертиза хулосалари кўп

---

<sup>1</sup> Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Изд-е 2-е, перер. и доп. Особенная часть/ М. Рустамбаев. – Т.: Адолат, 2016. – С. 50.

жихатдан тергов ходимлари ёки судлар томонидан тўплаган маълумотларнинг тўлиқлигига боғлиқ.

*Бу ерда юқорида келтирилганларга қўшимча тарзда эксперт ҳал қилиши учун қуйидаги икки масалани қўйиши мақсадга мувофиқ бўлади:*

– экспертизадан ўтказилаётган шахнинг ўлимидан аввалги руҳий ҳолати билан муайян шахнинг (кимлиги кўрсатилсин) ҳаракатлари ўртасида бирор боғлиқлик бўлганми?

– агар бундай боғлиқлик бўлса, унинг табиати (характери) ва белгилари нималардан иборат?

Мисол тариқасидаги қуйидаги экспертиза хулосасига тўхташ мумкин. Марҳума оилали, икки нафар фарзанднинг онаси бўлган. Мактабда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 12 йиллик турмуши давомида турмуш ўртоғи сурункали спиртлиқ ичимлигини истеъмол қилган, марҳумани доимо ҳўрлаган, калтаклаган, ҳақорат қилиб келган. Криминал воқеа кунидан олдин, марҳумани турмуш ўртоғи қаттиқ калтаклаган, уйдан ҳайдаган ва у билан яшамаслигини атайган. Ҳолат юзасидан марҳуманинг турмуш ўртоғига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг ЖКнинг 103 моддасига биноан жиноят иши кўзғатилган. Суд процесси жараёнида марҳумага нисбатан ўлимлан сўнги суд-психологик экспертизаси тайинланган ва экспертлар олдиға қуйидаги саволлар қўйилган:

1. Марҳума ўзини-ўзи ўлдиришдан (ўлимидан) олдинги даврда қандай руҳий (эмоционал) ҳолатда бўлган?

2. Марҳуманинг ўз жонига қасд қилганлигини турмуш ўртоғи уни муттасил уриб, тазйиқ ўтказганлиги натижасида содир бўлганлиги билан боғлаш мумкинми?

Жиноят иши ҳужжатларини ретроспектив психологик таҳлили шуни кўрсатганки, марҳуманинг хатти-ҳаракатларида инқироздан чиқиш истиқболларига пессимистик шахсий муносабат бўлганлиги кузатилган. Марҳума учун инқироз турмуш ўртоғи томонидан сурункали равишда тазйиқ ўтказилганлиги, уни қадрланмаганлиги, муносабатларнинг зиддиятлилиги, ушбу муносабатлардан рационал равишда чиқиш йўлларини белгила олмаганлигида кўринган. Айбланувчининг криминал воқеа кунидан олдинги қилган хатти-ҳаракатлари, марҳумадаги сурункали келишмовчиликлар оқибатида келиб чиққан фрустрация ҳолатини кучайтириб, онгни торайтиришға олиб келган. Бундай ҳолатларда инсон вазиятдан чиқишнинг рационал йўлини топа олмаганда, турли хил психологик ҳолатларға тушиши мумкин. Унинг хатти-ҳаракатлари “аффектив” суицид туриға мос келган. Вазиятдан тўлиқ чиқиш имкони марҳумада кескин йўқолганлиги

сабабли, унда ўз жонига қасд қилиш фикрлари ва ниятлари пайдо бўлиб, ўз жонига қасд қилиш ҳаракатларини амалга оширишга сабаб бўлган. Бунда, ўз жонига қасд қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инқирозли вазиятлар, доимий ҳиссий кечинмаларга асосланган аффектив компонентни ташкил этган (динамик ривожланаётган аффектив ҳолат; доимий депрессив ҳолат; катта интенсивликда кечган умидсизлик ҳолати; низоли вазиятдан оқилона чиқа олмаслик, ижтимоий мавқеини йўқотиш; масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқиш ва ҳ.к).

Тадқиқот натижаларига кўра психологлар қуйидаги хулосага келганлар:

1. Марҳума ўзини-ўзи ўлдиришдан (ўлимидан) олдинги даврда фрустрация ҳолатида бўлган.

2. Марҳуманинг ўз жонига қасд қилганлигини айбланувчи уни муттасил уриб, тазйиқ ўтказганлиги натижасида содир бўлганлиги билан боғлаш мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш зарурки, бундай ҳолларда суд-психологик экспертизанинг вазифаси суицидентда ўлимидан аввал ўзини ўзи ўлдиришга мойил қилувчи руҳий ҳолат бўлган-бўлмаганлигини аниқлашдан иборат бўлади. Агар ана шундай ҳолат белгилари топилса, уларнинг эҳтимол тутилган сабабларини аниқлаш зарур, зеро улар орасида бошқа шахснинг ҳаракатлари ҳам бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатларга фақатгина суд-психологик экспертизаси орқали ойдиндик киритиш мумкин.